

## **9. Вилоятни 2015 йил ва кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқбол режалари.**

### ***-2015 йил макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози.***

Жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2015 йилда 107,5 фоизга, шундан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 105,8 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 111,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 105,6 фоизга, капитал қўйилмалар 108 фоизга, чакана савдо айланмаси 115,7 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш 117,6 фоизга ўсиши режалаштирилган.

2015 йилда киритиладиган инвестициялар ҳажми 1054,8 млрд сўмни, шундан 447,6 млрд. сўми марказлашган ҳамда 607,2 млрд. сўми марказлашмаган маблағлар ташкил этиши кутилмоқда.

Инвестицияларнинг 251,7 млрд сўми Ҳукумат қафолати остида чет эл кредит маблағлари ҳисобидан ва 52,2 млрд сўми тўғридан-тўғри чет эл инвестиция маблағлари ҳисобига тўғри келади.

### ***-2015 йил ва кейинги йилларда иқтисодий - ижтимоий ривожланишнинг истиқбол режалари.***

2015-2019 йилларда вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида саноатнинг улуши 19,6 фоиздан 20,7 фоизга, кичик бизнеснинг улуши 68,6 фоиздан 72 фоизга, хизматларнинг улуши эса 36,6 фоиздан 40 фоизга етказиш белгиланган.

Вилоятда 2015 йилда саноат соҳасида 302,2 млрд сўмлик ҳамда 10 млн долларлик 242 та лойиҳалар амалга оширилиши ва 8200 та иш ўрни яратилиши белгиланган. Шундан, янги корхоналарни ишга тушириш бўйича 151 та ва мавжудларини модернизация қилиш бўйича 91 та лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Келгуси 5 йил давомида саноат соҳасида 1,1 млрд доллардан зиёд маблағ эвазига 173 та лойиҳалар амалга оширилади.

Мисол учун, 2015 йилда Гулистон шаҳрида "Баҳромжон Нур Савдо" МЧЖ томонидан Лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ташкил этилиб, жами 35 та янги иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, бугунги кунда Боёвут туманида "BOYOVUT MAX PROFIT" МЧЖ томонидан грануланган ем ишлаб чиқариш лойиҳаси ташкил қилинмоқда.

Вилоятда саноатнинг 2 та йўналишини яъни енгил саноат ва озиқ-овқат соҳасини ривожлантириш ишлаб чиқариш соҳасидаги энг катта резерв ҳисобланади.

### **Биринчи резерв-енгил саноатни ривожлантириш.**

Вилоятда енгил саноат соҳасида Гулистон шаҳрида "Сифат импекс текс" МЧЖ негизда 4 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш ташкил этилиб, жами 100 та янги иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, бугунги кунда Гулистон шаҳрида қиймати 400 минг доллар бўлган замонавий пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси ташкил қилинмоқда.

**Иккинчи резерв-озик овқат маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш.**

Вилоятда мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Бу соҳани, яъни мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлашни янада ривожлантириш ҳисобига аҳолининг тайёр маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш имконияти мавжуд.

Белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш натижасида, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йилига ўртача 5,3 фоиз ўсишни таъминланиши ва ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноатнинг улушини 20,7 фоизга етказилиши белгиланган.

**Келгусида вилоятни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий резервларидан яна бири бу - хизмат кўрсатиш соҳаси ҳисобланади.**

Вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш белгиланиб, кейинги 5 йилда ўртача ўсиш суръатини 4 фоизга, 2014 йилга нисбатан 1,3 мартага кўпайтириш ва хизматлар миқдорини 2,3 трлн сўмга ҳамда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улушини 40 фоизга етказиш белгиланган.

2015 йилда аниқ инвесторлари мавжуд 3 та давлат мулки объектларини истисно тариқасида “ноль” қийматда бериш натижасида 3,9 млрд сўмлик инвестиция киритиш ва 155 дан ортиқ иш ўринлари яратилиши кўзда тутилмоқда.

Хусусан, Гулистон шаҳридаги “Гулистоннефтбаза” УКга қарашли автокемпинг биноси негизда “Бек қурилиш авто” МЧЖ томонидан аҳолига сервис хизматини ташкил этиш, Гулистон шаҳридаги собиқ “Нотўқима мато” МЧЖга қарашли ишлаб чиқариш цехи негизда “Вис-А-Вис Групп” МЧЖ томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қадоқлаш цехини ташкил этиш, Янгиер шаҳридаги 1-сонли болалар боғчаси негизда “Омад текс” МЧЖ томонидан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, 17 та бўш турган давлат мулки объектларини тадбиркорлик субъектларига инвестициялар киритиш ва янги иш ўринлари яратиш шарти билан “ноль” қийматда ажратиш натижасида 20 млрд. сўмдан ортиқ инвестициялар жалб қилиб, 500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши,

16 та яроқсиз бўш турган ва фойдаланилмай келинаётган бино ва иншоотларни бузиш орқали 32 минг кв.метр бўшаган ер майдонларини тадбиркорларга ажратиш натижасида ишлаб чиқариш хажмларини ошириш ва 100 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш, умумий ҳажми 21 минг кв.метрлик 44 та бўш турган давлат мулки объектларини тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш орқали 125 тадан ортиқ янги иш ўринлари яратиш ва 2015 йилда давлат бюджетига қўшимча 375 млн сўм миқдоридаги маблағларни ундириш борасидаги ишларни амалга ошириш юзасидан доимий назаратни олиб боришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

***-2010-2014 йилларда инвестиция дастури доирасида ижтимоий соҳасида амалга оширилган ишлар.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 10 ноябрдаги ПҚ-1432-сонли қарорига асосан инвестиция дастури доирасида жами 54 та (4 та янги қурилиш, 15 та реконструкция, 35 та мукамал таъмирлаш) таълим объектларида 20,2 млрд сўм маблағ ҳисобига қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди ва улар 14,7 млрд сўмлик мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва мусиқа чолғу асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Ўтган йилларда таълим муассасаларидаги мавжуд ўқув мебелларининг 87,4 фоизи, физика лабораториясининг 93,7 фоизи, кимё лабораториясининг 94,7 фоизи, биология лабораториясининг 94,7 фоизи, ўқув компьютер синфларининг 66 фоизи замонавий мебель, лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникалари билан янгиланди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 28 та спорт иншоотлари, 13 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиши учун 38,7 млрд. сўм, спорт объектларини жиҳозлаш учун 2,6 млрд.сўм маблағ сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги ПҚ-362-сонли қарорига кўра 2010-2014 йилларда 840 номда, 12 млн 430 минг нусхадаги дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар, жумладан чет тилидан 1-2-синфлар учун жами 45 минг 813 нусха дарслик мажмуаси етказилди.

Дастур доирасида 2010-2014 йилларда академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 29 таси реконструкция қилинди ва мукамал таъмирланди. Бу ишларга 16,0 млрд.сўм маблағ сарфланди.

Шунингдек ўқувчиларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида қўшимча 4 та ўқувчилар турар жойлари ва 2 та ўқув амалиёти устахоналари барпо этилди.

Касб-хунар коллежларининг ишлаб чиқариш устахоналарига 4,1 млрд. сўмлик энг замонавий, юқори технологияли 60 та устахона жиҳозлари, 31 та ўқув автомобиллари, қишлоқ хўжалик техникалари ва агрегатлари, 131 тўплам ўқув-

лаборатория ва компьютер жиҳозлари, 22 тўплам чет тилларини ўқитиш учун мультимедия жиҳозлари ҳамда 481 тўплам мебеллар харид қилинган.

Бундан ташқари ҳорижий инвестиция лойиҳалари доирасида касб-ҳунар коллежлари 658,5 минг АҚШ доллари миқдорида ривожланган мамлакатлардан қурилиш, коммунал хўжалик, хизмат кўрсатиш ва ахборот коммуникация технологиялари йўналишлари бўйича келтирилган сўнги русумдаги жиҳозлар билан таъминланди.

Ўқув амалиётлари машғулотлари учун сарфланадиган барча зарур хом ашё ва материаллар билан таъминлашга 821,8 млн.сўм бюджет маблағлари ажратилди

Вилоятда жами 21 та тиббиёт муассасасида қурилиш-реконструкция ишлари олиб борилиб, бюджетдан 55,0 млрд сўм йўналтирилди.

Ховос туман тиббиёт бирлашмаси, вилоят онкология диспансери, вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази, вилоят перинатал маркази, вилоят сил касалликлар, юқумли касалликлар шифохоналари, вилоят қон қуйиш ва ОИТС марказида қурилиш-таъмирлаш ишлари тугатилди. Боёвут, Сардоба, Сайхунобод, Сирдарё, Оқолтин туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида реконструкция ишлари давом этмоқда.

2010-2014 йилларда халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликдаги инвестицион лойиҳалар доирасида 5,0 млн. АҚШ долларга тенг маблағ жиҳозлаш ишларига йўналтирилди, биргина 2014 йилда «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида туман тиббиёт бирлашмалари 1,0 млн. АҚШ долларлик 10 турдан зиёд замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Вилоят тиббиёт муассасалари учун 2010-2014 йилларда 55 нафар тез тиббий ёрдам автомашинаси ажратилди, 33 та тез тиббий ёрдам бўлимлари таъмирланди.

“Саломатлик” лойиҳалари доирасида 936,0 минг АҚШ долл. қийматидаги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 130 та қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатмоқда.

Сўнги 5 йил ичида 69 та ҚВП 760 млн. сўм маблағ эвазига мукамал ва жорий таъмирланди, 71 та ҚВПда ижтимоий дорихона, 60 та ҚВПда эса фитобарлар ташкил этилди.

Худудий соғлиқни сақлаш муассасалари моддий-техника базаси мустаҳкамланиши, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши вилоят муассасаларида 12 турдаги ва туман муассасаларида 4 турдаги юқори технологияли мураккаб операциялар ва даволаш муолажаларини йўлга қўйиш имкониятини яратди.

Аҳолининг бирламчи тиббий-санитария ёрдамига бўлган ишончининг ортиши боис амбулатор-поликлиника муассасаларига қатновлар 2014 йилда

2010 йилга нисбатан 39 фоизга, қишлоқ врачлик пунктларига қатновлар 35 фоизга ортишига ва аҳоли орасида касалланиш кўрсаткичининг 9 фоизга камайишига эришилди.

Никоҳланувчи шахсларнинг 100% тиббий кўриқдан ўтказилиши натижасида улар орасида руҳий касалликларни 9 фоизга камайишига эришилди.

“Соғлом она – соғлом бола” тамойили асосида аёллар ва оналарга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг бирламчи тизим билан узвий боғлиқ бўлган туман туғруқ бўлимлари, вилоят перинатал ва болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари яратилганлиги ва уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланганлиги ҳамда даволаш-профилактикада замонавий технологияларни тадбиқ этилганлиги натижасида вилоятда 2014 йилда 2010 йилга нисбатан оналар ўлими 1,1 баробарга камайди.

Ҳар йили вилоятнинг 9 мингдан ортиқ ҳомиладор аёллари поливитамин комплекслари билан бепул таъминланиб, ультратовуш ва биохимик скрининг текширишлар ўтказилганлиги туфайли охириги 5 йилда 2 мингдан ортиқ ногирон бола туғилиши олди олинди.

Ўтказилган чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар, соғломлаштириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишларни олиб бориш натижасида мутлоқ соғлом болалар улуши 12,7 фоизга ошиб, 68,7 фоизни ташкил этди ва республиканинг ўртача кўрсаткичидан юқори бўлди.

Шу билан бирга, 2014 йилда 2010 йилга нисбатан 16 ёшгача бўлган ногирон болалар сони 1,3 баробарга камайди, аёллар орасида камқонлик 2,1 фоизга камайди.

Бундан ташқари, аҳоли орасида юқумли касалликларни олдини олиш мақсадида вилоятда 100 мингдан ортиқ болалар 11 турдаги юқумли касалликларга қарши бепул эмланмоқда.

Натижада болалар ўртасида полиомиелит, дифтерия, қоқшол, қизамиқ, қизилча касалликлари ва вирусли гепатитнинг В тури бутунлай тугатилди, тепки, кўкйўтал, менингит каби касалликлар эса кескин камайди.

Миллий эмлаш календарига 2014 йилдан болаларни ротавирусга қарши эмлаш киритилди, натижада болалар ўртасида ротавируслар келтириб чиқарадиган касалликлар 30 фоизга камайди.

Бундан ташқари жорий йилда пневмококка қарши, 2016 йилда эса одам папилломаси вирусига қарши вакциналар эмлаш календарига киритилади. Бу эса болалар ўртасида зотилжам, отит, ринит касалликларини, аёлларда бачадон саратони касаллигини олдини олиш имконини беради.

***-2015 йил ва келгусида ижтимоий соҳада бажариладиган ишлар.***

Вилоятда 2015 йилги Инвестиция дастурига асосан 38,9 млрд сўм маблағ ўзлаштириш ҳисобига 29 та ижтимоий инфратузилма объектлари қурилиши белгиланган.

Жумладан, 9 та (9 та капитал таъмир) касб-ҳунар коллежлари, 13 та умумтаълим мактаблари (4 та реконструкция, 9 та капитал таъмир), 8 та соғлиқни сақлаш муассасаларини (7 та реконструкция, 1 та янги қурилиш) қуриш белгиланди.

Хусусан, 2015 йилда 13 та таълим объектларида (4 та реконструкция – Боёвут, Мирзаобод, Сардоба, Гулистон туманларида 1 тадан, 9 та мукамал таъмирлаш – Боёвут туманида 3 та, Сардоба туманида 2 та, Мирзаобод, Оқ олтин, Гулистон туманлари ва Ширин шаҳрида 1 тадан) жами 8,5 млрд.сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари ва уларни 2,3 млрд. сўмлик мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси билан жиҳозлаш режалаштирилган.

2015 йилда 9 та таълим муассасаларини реконструкция қилиш ҳамда мукамал таъмирлаш белгиланган бўлиб, мазкур ишлар учун 7,55 млрд. сўм маблағлар ажратилган, ҳозирда тегишли ишлар бошлаб юборилган.

Лаборатория ва ўқув амалиётлари машғулотлари учун сарфланадиган хом ашё ва материаллар харид қилишга 506,1 млн.сўм маблағ ажратилади.

2015 йилда 1-4 синф чет тиллари кабинетлари Хитой Халқ республикасининг гранти ҳисобидан 168 тўплам техник воситалар билан ва 5-9 синф чет тиллари кабинетига бюджет ҳисобидан 9 тўплам, Хитой Халқ республикасининг гранти ҳисобидан 40 тўплам, Таълимда глобал ҳамкорлик ташкилоти грант маблағлари ҳисобидан 37 тўплам жами 86 тўплам компьютер синфлари билан таъминлаш режалаштирилган.

**2016-2020 йилларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича режалаштирилган ишлар:**

Ҳар йили ўртача 5-8 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, ўқув-лаборатория ва устахоналарини жиҳозлаш учун 29,3 млрд.сўм ажратиш режалаштирилмоқда.

Амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида ҳар йили 12 мингдан ортиқ ўғил қизларимиз ўзлари танлаган йўналишлар бўйича 2-3 касбларни, хорижий тилларни мукамал эгаллаб меҳнат бозорига малакали кадрлар сифатида кириб келмоқдалар.

Бу эса ёшларимизни ҳаётда ўз ўринини топишга, корхона ва ташкилотларимизни юқори малакали мутахассислар билан таъминлашга кўмаклашмоқда.

2015-2017 йилларда вилоятдаги барча туман тиббиёт бирлашмалари, руҳий-асаб касалликлари, наркологиқ ва бошқа тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси 35.0 млрд. сўм ҳисобига тўлиқ модернизация қилинади.

2015-2017 йилларда умумий миқдори 9,7 млн. АҚШ долларни ташкил этувчи инвестиция лойиҳалари ҳисобига, жумладан, туман/шаҳар тиббиёт бирлашмалари ва шаҳар оилавий поликлиникалари 7,6 млн. АҚШ доллари, онкология диспансери 1,0 млн. АҚШ доллари, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази 1,1 млн. АҚШ доллар қийматидаги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Тез тиббий ёрдам хизмати учун 24 та ДАМАС автомашинаси ажратилади.

Бундан ташқари, вилоятда 2015 йилда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича 16 та массивларда 550 та замонавий уйлар қурилиши кўзда тутилган. Мазкур уйларда истиқомат қилувчи аҳолига хизмат кўрсатадиган 13 та ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари яратилади.

Ушбу уй-жой массивларида 13 та савдо ва ижтимоий инфратузилма объектлари, жумладан 4 та савдо, 3 та нон цехи ва 6 та спорт майдончаси қурилиши режалаштирилган.

Шунингдек, ташқи муҳандислик ва инфратузилма объектларидан, 36,9 км ичимлик суви, 12,4 км электр ва 21,1 км газ тармоқлари ҳамда 10,3 км ички йўллар қурилиши белгиланган.

2015-2020 йилларда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 3905 та уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Шундан, 2015 йилда 16 та массивда 550 та қуриладиган уй-жойлар учун 44,5 га ер майдони ажратилди.

Массивларда 26 та ижтимоий соҳа ва 16 та бозор инфратузилма объектлари қурилиши белгиланган. Шунингдек, 182,9 км ичимлик сув, 82,5 км электр ва 77,8 км газ тармоқлари ҳамда 57,1 км ички йўллар қурилиши мўлжалланган.

#### ***-Гулистон шаҳрида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари.***

Дастур доирасида 2014 йилда 6,1 млрд сўм (100%) маблағ ўзлаштирилди. Шаҳарнинг Ўзбекистон шоҳ кўчасида 3 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши амалга оширилди.

Гулистон шаҳрида кўримсиз ва эски 65 та уй-жойлари ҳамда нотурар бинолари бузиб олинди ва уй эгаларига 2,1 млрд сўм компенсация маблағлари тўланди.

Гулистон шаҳарда объектларни қуриш ва реконструкция қилишга доир комплекс чора-тадбирлар Дастурига асосан 2015 йилда марказлаштирилган манбалар ҳисобидан 37,0 млрд.сўм капитал кўйилмалар йўналтирилди.

Шу билан биргаликда, 2014 йилда бошланган Ўзбекистон шоҳ кўчасидаги 6 та кўп қаватли уй-жойлар жорий йилда фойдаланишга топширилади.

Бундан ташқари 2015 йилда шаҳарнинг Сайхун кўчасида 26 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилда шаҳар ҳудудидан ўтувчи 4 км узунликдаги қисмида кўкаламзорлаштириш, суғориш ва ёритиш тизимларини ўрнатиш, пиёдалар йўлагининг икки томони бўйлаб маҳаллий иқлим шароитига мос келадиган серсоя манзарали дарахтлар экиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари ёшлар боғи майдонини реконструкцияси амалга оширилди, бунда фавворалар қурилиши, амфитеатрни капитал таъмирлаш ва йўлаклар қуриш ишлари таъминланади.

Гулистон шаҳрининг марказий кўчаларидан “Ўзбекистон шоҳ” кўчасида ҳам реконструкция ишлари жадал олиб борилмоқда, кўчага замонавий типдаги электр ёритгичлар ўрнатилди ва кўчалар электр лампалари 3500 дона светодиодли лампаларга алмаштирилди.

Бундан ташқари 2015 йилда шаҳарнинг барча кўчалари электр ёритгичларига электр энергия тежайдиган 85460 та чўғланма лампалар ўрнатилиши режалаштирилган.

Газ таъминотини яхшилаш бўйича 2,4 км газ қувурлари тортилди ва 104,0 млн. маблағлар ўзлаштирилди. Иссиқлик таъминоти Гулистон шаҳрида иссиқлик тизимини тармоғи қувурларини таъмирлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

### ***-Вилоятда муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари.***

**2010-2014 йилларда телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар.**

Вилоятда алоқа ва ахборолаштириш корхоналари томонидан 2014 йилда 88,4 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилган, ўсиш суръати 136,0 фоизни, 2010 йилга нисбатан ўсиш 3,8 баробарни ташкил этган.

#### **а) Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича:**

Вилоятда умумий сифими 47,6 минг рақамга тенг 47 та телефон станциялари 100 фоизга рақамлаштирилган бўлиб, улар орқали 36,8 минг фойдаланувчиларга замонавий алоқа хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Вилоят аҳолисига Интернет хизматларини кўрсатувчи кенг полосали қурилмаларнинг сифими 2010 йилда 1,6 минг портни ташкил этган бўлса, ўтган давр мобайнида мазкур кўрсаткич 9,2 баробар ошиб, 14,6 минг портни ташкил этди. Кенг полосали тармоқлардан фойдаланувчилар сони 10,2 минг абонентга ёки 13,3 баробарга ортди.

Маълумотларни узатиш тармоғининг ўтказувчанлик даражаси 50 баробарга оширилиб, фойдаланувчиларга юқори тезликдаги Интернет, IP-телефония ва интерактив телевидение (IP-телевидение) хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилди.



Магистрал йўналишдаги оптик толали транспорт тармоқларининг узунлиги ўтган даврда 113 фоизга оширилиб, 670 минг км.га етказилди, тармоқ ўтказувчанлик даражаси вилоят марказигача 4 баробарга (10 Гбит/с), ҳар бир туман марказларигача 2 баробарга (1 Гбит/с) оширилди.

Мобил алоқа тармоқларида 163 та база станциялар ўрнатилиб, уларнинг умумий сони 426 тага етказилди, камровни кенгайтириш натижасида фойдаланувчилар сони 121 фоизга ортди ва 528 минг. тани ташкил этди.

Шунингдек, Гулистон шаҳрида (Гулистон РТС) 1 та рақамли телевидение узаткичи ўрнатилиб, вилоятнинг Гулистон, Сайхунобод, Мирзаобод, Сардоба, Ховос ва Сирдарё туманлари ҳамда Гулистон шаҳри аҳолиси (вилоят аҳолисининг 38 фоизи) рақамли телевидение билан қамраб олинди.

Мижозлар учун замонавий ахборот-коммуникация хизматларига уланиш ва техник сервис хизматларини кўрсатишда қўшимча қулайлик яратиш мақсадида Гулистон, Янгиер, Ширин шаҳарлари ҳамда Сирдарё, Сайхунобод, Мирзаобод ва Хаваст туманларида жами 8 та замонавий савдо офислари яратилди ҳамда аҳолига 10 дан ортиқ қўшимча хизмат турлари жорий этилиб, 24 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Аҳолига ахборот-маълумот хизматларини кўрсатиш учун Гулистон шаҳрида “Чақириқларга хизмат кўрсатувчи “Call-center” маркази яратилди ва 15 дан ортиқ янги хизмат турлари жорий этилиб, қўшимча 10 та ходим иш билан таъминланди.

#### **б) Интернет тармоғини ривожлантириш бўйича:**

вилоятда Интернет абонентларининг сони 270 мингдан ошган (2010 йилга нисбатан ўсиш 1,6 баробар);

вилоят бўйича 348 та таълим муассасалари Ziyonet таълим тармоғига уланган. Жумладан олий таълим муассасалари – 1 та, мактаблар – 300 та, лицейлар – 4 та, касб-ҳунар коллежлари - 43 та;

2014 йилда Интернет тармоғи орқали давлат харидлари бўйича электрон аукцион савдолари ҳажми 19,5 млрд. сўмни ташкил қилди (2013 йилга нисбатан ўсиш 109 фоиз).

#### **в) АКТни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича:**

вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари компьютер техникаси, локал ва корпоратив тармоқ билан 100 фоиз таъминланди (2010 йилда компьютер техникаси – 65 фоиз, локал ва корпоратив тармоқ – 40 фоиз);

солиқ ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этувчи тадбиркорлик субъектлари улуши 100 фоизга (2012 йилда 98 фоиз), статистик ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этувчилар улуши 98 фоизга (2012 йилда 16 фоиз), божхона юк декларацияларини электрон шаклда расмийлаштириш улуши 100 фоизга (2013 йилда 43 фоиз) етказилди;

3 306 та даъво аризалари ва илтимосномалар хўжалик судларига электрон шаклда тақдим этилди (2013 йилда 115 та);

Ягона портал орқали вилоят аҳолиси ва тадбиркорлик субъектларига 230 дан зиёд (хусусан вилоят ҳокимлиги томонидан 13 та) замонавий интерактив хизматлар кўрсатилмоқда, жумладан вилоят аҳолиси ва тадбиркорлик субъектларига 157 интерактив хизмат кўрсатилган;

вилоят ҳокимлиги веб-сайти орқали кўрсатилаётган хизматлар сони 15 тага етказилган (2010 йилга нисбатан ўсиш 1,5 баробар);

вилоятда АКТни жорий қилиш бўйича 2012 йилдан буён “Компьютерлаштириш маркази” ДУК фаолият юритиб келмоқда.

**г) Дастурий маҳсулотлар бозори ва компьютер дастурлаш хизматларини ривожлантириш бўйича:**

компьютер дастурларини ишлаб чиқариш бўйича фаолият юритаётган ташкилотлар сони 2 та (2013 йилда 1 та). 2014 йилда вилоятда компьютер дастурларини ишлаб чиқариш бўйича жами 222 млн. сўмлик хизматлар кўрсатилган (2013 йилга нисбатан ўсиш 111 фоиз);

барча шаҳар ва туманлар идоралараро ҳимояланган электрон хужжат айланиш тизимига (Е-ХАТ) уланган (2014 йилда 6 000 дан зиёд хужжатлар ушбу тизим орқали жўнатилган бўлиб 2012 йилга нисбатан ўсиш 2 баробар) ҳамда электрон рақамли имзо калитлари билан таъминланган (фойдаланувчилар сони 2011 йилга нисбатан 5 баробарга ўсган);

вилоятда СМС-банкнинг ва Интернет-банкнинг хизматларидан фойдаланувчилар сони 18 мингтани ташкил қилмоқда (2013 йилга нисбатан ўсиш деярли 2 баробар ошган).

д) 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш Дастурига асосан вилоятда Қўмита тизимидаги корхоналар томонидан янги сервис хизматлар турлари жорий этилиб, 2012-2014 йилларда телекоммуникация йўналиши бўйича жами 448,9 млн.сўмлик ҳамда почта йўналиши бўйича 300,8 млн.сўмлик қўшимча хизматлар кўрсатилди.

**е) Почта алоқасини ривожлантириш бўйича:**

“Ўзбекистон почтаси” АЖ нинг Сирдарё филиалида аҳолига 10 та почта алоқаси тармоғи ҳамда 106 та почта алоқаси бўлимлари томонидан почта алоқаси хизматлари кўрсатилади.

Сирдарё филиалида автоматлаштирилган тизимларга боғланган почта алоқа объектлар сони жами 65 тага етказилган, автоматлаштирилган тизимларга боғланган иш жойлари сони эса 100 тага етказилган.

Улар “Электрон пул ўтказмалари тизими”, “Пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорати автоматлаштирилган тизими”, “Тўловларни қабул қилиш автоматлаштирилган тизими” ва “Рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларини

назорат қилиш автоматлаштирилган тизими”ларига уланган бўлиб ахборот-коммуникация технологиялари негизида замонавий хизматларнинг янги турларини жорий этилган.

**Вилоятда 2015-2020 йилларда телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар.**

а) Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантиришни давом эттирган ҳолда, жорий йилда Оқолтин, Гулистон, Сайхунобод ва Боёвут туманларида телефон станцияларни янги технология асосида 1 минг рақамга кенгайтириш;

мобил алоқа операторларининг тармоқларида қўшимча 22 та база станцияларни ўрнатиш орқали қамров даражасини ошириш ва фойдаланувчилар сонини 555 мингга етказиш;

магистрал оптик алоқа тармоқларнинг ўтказувчан даражасини вилоят марказигача 4 баробар ошириб, 40 Гбит/с.га, ҳар бир туман марказларига қадар 10 баробар ошириб, 10 Гбит/с.га етказиш, Гулистон шаҳрида масофавий видеоконференция хизматини кўрсатувчи замонавий жиҳозланган студияни яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

б) Интернет тармоғидан фойдаланишнинг техник имкониятларини янада ошириш мақсадида кенг полосали хизматларни кўрсатувчи қурилмалар сифимини 2,4 минг портга кенгайтириш ва 128,2 км узунликда оптик толали алоқа линияларини қуриш;

Вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида, сайёҳлар оммавий ташриф буюрувчи “Сардоба”, “Мустақиллик майдони” мажмуалари, Гулистон шаҳридаги “Маданият ва истрохат” боғи ҳудудларида, шунингдек Гулистон марказий темир йўл вокзалида замонавий Wi-Fi симсиз тизимлари жорий этилади ва Интернет тармоғига уланиш имкони яратилади.

в) АКТни янада ривожлантириш ва телекоммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича 2015 йилда жами 2,3 млрд. сўм маблағлар эвазига 15 та лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар дастури тасдиқланган.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида қўшимча 30 та янги интерактив хизматлар жорий этилиши ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 250 зиёд хизмат кўрсатиш режалаштирилган.

г) Дастурий маҳсулотлар йўналиши бўйича вилоятдаги 6 та ташкилот ва ишлаб чиқариш корхоналарида кадрлар, молия ва бошқарув тизимини автоматлаштиришни кўзда тутувчи ахборот тизимлари комплекслари жорий қилиниши белгиланган.

д) Жорий этилган сервис хизматлари бўйича 2015 йилда телекоммуникация йўналишида 61,3 млн.сўмлик ҳамда почта йўналишида 38,8 млн.сўмлик қўшимча хизматлар кўрсатилади.

### **3. 2015-2019 йилларда телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича истиқболли режаси**

а) Телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини 2015-2020 йилларда ривожлантириш дастурига асосан вилоятда кенг полосали қурилмалар сиғимини 16,5 минг портга кенгайтириш, 862 км.дан ортиқ оптик толали алоқа линияларини қуриш белгиланган.

Шунингдек, мобил алоқа тармоқларида 597 та база станцияларини, шу жумладан Узмобайл миллий мобил алоқа оператори тармоғини яратиш лойиҳаси доирасида 360 та база станцияларни ўрнатилиши режалаштирилган.

Магистрал маълумотлар узатиш тармоғининг ўтказувчанлик даражасини вилоят марказигача 40 Гбит/с, туман марказларигача 10 Гбит/с.га етказиш кўзланган.

Шу даврда вилоятда 1 та кам қувватли рақамли телевидение узаткичи ўрнатилиши лойиҳалаштирилган.

б) Вилоятда АКТ тизимини комплекс ривожлантириш 2015-2020 йилларда истиқболли режага асосан, АКТ йўналишида 20 дан зиёд йирик лойиҳалар амлага оширилади (“Таълим”, “Коммунал”, “Нафақа”, “Давлат бошқаруви”, “Адлия-2”, “Соғлиқни сақлаш” комплекс ахборот тизимлари ва бошқалар).

в) Жорий этилган сервис хизматлар бўйича 2015-2016 йилларда телекоммуникация йўналишида 139,5 млн.сўмлик ҳамда почта йўналишида 79,4 млн.сўмлик қўшимча хизматлар кўрсатилиши режалаштирилган. 2016 йилдан кейинги даврда ҳам яратилган инфратузилма ва имкониятлар орқали сервис хизматлари кўрсатиш суръатлари ортиб боради.

### **4. 2015-2019 йилларда телекоммуникация инфратузилмасини ва АКТни янада ривожлантириш**

**а) телекоммуникация инфратузилмасини ривожланишда қуйидаги кўрсаткичларга эришилади:**

оптик толали алоқа линиялари узунлиги 2,3 баробарга оширилади;

мобил алоқа база станциялар сони 2,2 баробар оширилади ва мос равишда мобил алоқа хизматидан фойдаланувчилар 132 фоизга ошиб, 687 минг абонентга етади, улардан 457 минг абонент кенг полосали мобил алоқаси хизматидан фойдаланиш имконига эга бўлади;

вилоят аҳолиси 100 % рақамли телевидение билан қамраб олинади ва IP телевидения фойдаланувчилари сони 4,7 баробарга оширилади (7,2 минг абонент).

**б) Интернет тармоғини ривожлантириш бўйича:**

Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 2,6 баробар оширилиб, 556 минг абонентга;

кенг полосали хизматлардан симли технология асосида фойдаланувчилар сони 2,1 баробарга оширилади ва 31,1 мингга етказилади.

**в) АКТ йўналишидаги лойиҳаларни амалга ошириш натижасида қуйидагиларга эришилади:**

барча лицензия ва рухсат этувчи хужжатларни электрон шаклда олиш имконияти яратилади;

хокимликлар ва вилоятдаги ташкилотлар 100 фоиз электрон хужжат алмашуви тизимига ўтказилади;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган хизматлар муддати камида 3 мартаба қисқартирилади;

вилоятда коммунал соҳада амалга оширилаётган лойиҳаларни он-лайн тарзда мониторинги ташкил қилинади;

“Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини қўллаб-қувватлаш маркази ташкил этилади.

Амалга оширилган ишлар натижасида интернетга юқори тезликда уланувчи абонентлар сони 2014 йил якунида 8935 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилга бориб, 3,1 мартага ошади.

Вилоят бўйича “Интернет” хизматларидан фойдаланувчилар сони 2014 йилда 235 мингтани ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 1,3 мартага ошади.

Вилоятда 2015-2017 йилларда 21 км халқаро аҳамиятдаги, 34 км давлат аҳамиятидаги, 31 км маҳаллий аҳамиятдаги йўллар қурилади, реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Темир йўл коммуникацияларини ривожлантириш борасида ҳам муҳим вазифалар олдимизда турибди. Йўловчи ва юкларни ишончли ҳамда узлуксиз ташишни таъминлаш мақсадида 2015 йилда вилоятда икки томонлама Янгиер-Жиззах ва бир томонлама электрлаштирилган темир йўл линияларини қуриш 18,4 млрд сўмлик лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда.

***-Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини яхшилаш.***

Вилоятда ичимлик сув ва канализация тизимини ривожлантириш дастурига асосан 2015-2018 йилларда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

2015 йил бўйича Республика инвестиция дастури асосида вилоят аҳолиси ичимлик сувини яхшилаш учун 15 млрд.сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, ушбу маблағлар ҳисобидан 71,3 км масофада ичимлик суви, 19 дона янги ичимлик суви тик қудуқлари ётқизилса, 46 дона ичимлик суви тик қудуқларига 46 дона насослар, 26 дона янги сув миноралари, 4 дона

трансформаторлар ўрнатилади. Шунингдек, Боёвут тумани “Маданият” сув ҳавзаси, Сирдарё туманида “Марказ” ва “Фурқат” сув ҳавзалари, Сайхунобод тумани “Шодлик” сув ҳавзаси, Гулистон тумани “Дехқонобод” ва “Бешбулок” сув ҳавзалари тўлиқ реконструкция қилинади. Ушбу ишлар бажарилиши натижасида 84270 нафар аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланади.

2015-2016 йилларда 156,3 км ичимлик сув қувурларини қуриш ва таъмирлаш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 августдаги 1610-сонли фармойишига асосан вилоятимизда ичимлик суви тизимини яхшилаш мақсадида жами 100,0 млн. АҚШ доллари миқдорига, шундан 28,0 млн. АҚШ доллари жаҳон банки маблағлари, 12,0 млн. АҚШ доллари Ўзбекистон ҳукумати томонидан маблағлар молиялаштирилади.

Ушбу маблағлар ҳисобидан вилоятнинг Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод, Ховос ва Боёвут туманларида “Ичимлик сув тизимларини такомиллаштириш” лойиҳа ишлари амалга оширилади. Ушбу лойиҳа муддати 2017 йилгача белгиланган бўлиб, натижада 343,0 мингдан зиёд аҳолининг ичимлик сувига бўлган таъминоти яхшиланади.

### **Электр энергетика соҳаси бўйича.**

#### **2010-2014 йилларда амалга оширилган ишлар.**

Вилоятда жойлашган саноат ишлаб чиқариш корхоналари, қишлоқ ҳўжалиги, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда аҳоли истеъмолчиларига етказиб берилаётган электр энергияси сифатини яхшилаш ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан:

Паст кучланишли электр тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш дастури доирасида 2011-2014 йилларда вилоятдаги жами 1,5 минг км электр узатиш тармоқлари, 790 дона трансформатор шахобчалари ва 13 та нимстанцияларда мукамал таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида вилоятда жами 1,6 минг та юридик ва 27,0 минг та аҳоли истеъмолчиларининг электр энергияси таъминоти мустаҳкамланиб, йилига қўшимча 31,8 млн. кВт соат электр энергияси етказиб берилмоқда.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, вилоятда республикамиздаги энг йирик иссиқлик электр станцияси – Сирдарё ИЭС (3000 МВт) жойлашган бўлиб, республикада жами ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг қарийб тўртдан бир қисми шу станцияда ишлаб чиқарилади.

Ушбу станцияда ишлаб чиқарилган электр энергияси Тошкент вилояти ва Фарғона водийси вилоятларига, шунингдек Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига етказиб берилишини мустаҳкамлаш учун 2010 йилда

Сирдарё ИЭС – Тошкент ПС оралиғидаги ва Сирдарё ИЭС – Сўғдиёна НС оралиғида 500 кВли ҳаво электр тармоқлари, 2014 йилда Сирдарё ИЭС – Янги-Ангрен ИЭС оралиғидаги узунлиги 123,2 км бўлган 500 кВли электр тармоғи қуриб ишга туширилди.

Бундан ташқари Инвестиция дастурларига асосан 2013 йилда Сирдарё иссиқлик электр станциясида жами қуввати қуввати 15 МВт бўлган 3 та детандер-генератор агрегатлари ишга туширилди, 2014 йилда эса станциядаги 2 та энергоблокни тўла масштабни модернизациялаш натижасида қўшимча 50 МВт қувват яратилиб, қурилмаларнинг ишлаш муддати янада узайтирилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, уларга электр тармоқларига уланиш учун қўшимча қулайликлар яратиш ва муддатини камайтириш ҳамда 2012 йил 18 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4455-сонли “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосан “Тадбиркорлик субъектларининг электр қурилмаларини электр тармоқларига “бир дарча” тамойили бўйича улаш тартиби тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилди ҳамда 2013 йил 15 январда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2411-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ушбу Низомга мувофиқ туман электр таъминоти корхоналарида “бир дарча” хизматлари ташкил этилган бўлиб, масъул ходимлар белгиланган, иш хоналари, оргтехникалар билан таъминланган. Тадбиркорлик субъектларини маълумотлар билан таъминлаш учун тадбиркорлик бурчаклари ташкил этилиб, низом талаблари, масъул ходимлари билан боғланиш телефонлари ва ишонч телефонлари тўғрисидаги маълумотлар ушбу бурчакларда акс эттирилган.

2014 йилда тадбиркорлик субъектларидан электр тармоқларига уланиш мақсадида, техник шарт олиш учун жами 22962 та мурожат келиб тушган бўлиб, 22895 та техник берилган, шундан бир дарча тамойили бўйича 19829 тани ташкил этади. Хусусан, Сирдарё вилояти бўйича 642 мурожаат келиб тушган бўлиб, 615 та мурожаат қондирилган. Қондирилган мурожаатларнинг 642 таси “бир дарча” тамойили орқали амалга оширилган.

Йиллик иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларига биноан, 2010-2014 йилларда Сирдарё вилоятида жойлашган энергетика соҳаси корхоналарида жами 236 та, шундан “Сирдарё ИЭС” АЖда 76 та (12 та касаначилик), “Сирдарё ҳудудий электр тармоқлари” АЖда 143 та (28 та касаначилик) ҳамда “Фарход ГЭС” УҚда 17 та (2 та касаначилик) иш ўринлари яратилди.

Ижтимоий соҳа объектларининг моддий техник базасини мустахкамлаш, аҳоли турар жой биноларини барпо этиш ҳамда ички бозорни полиз ва сабзаёт мевалари билан янада бойитиш мақсадида 2010-2014 йилларда “Ўзбекэнерго” ДАК томонидан Сирдарё вилоятида жойлашган жойлашган “Сирдарё ҲЭТК”

АЖга қишлоқ жойларда қурилган намунавий уйларни сотиб олишлари учун фоизсиз ссуда тарзида жами 29 та уй учун 1060,0 млн. сўм бошланғич бадал маблағлари ажратилган ва барча уй жойлар эгаларига топширилган.

Озиқ-овқат Дастурини ижросини таъминлаш мақсадида “Сирдарё ИЭС” АЖ томонидан Ховост туманида жами 664 га ер майдони мавжуд бўлган, 1500 бош қорамол сақлаш имконига эга бўлган “ЭнергоНаслЧорва” ШК ташкил этилди. Унда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилмоқда. 2014 йилда 8.057 тн гўшт, 350 тн сут, 287.6 тн сут маҳсулоти, шунингдек, 276 тн ғалла ва 70 тн пахта етиштирилди. Хўжалик фермасида 450 бош қорамоллар боқилмоқда. Шўъба корхонасида суткасига 5 тн сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлган, 8 турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган сутни қайта ишлаш цехи фаолият кўрсатмоқда. Ёрдамчи хўжаликда жами 80 нафар ишчилар меҳнат қилишмоқда.

Республика касб-хунар коллежлари битирувчи талабаларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан 2012-2014 йиллар давомида Сирдарё вилоятидаги энергетика тизими корхоналарига жами 9 та касб-хунар коллежлари бириктирилган бўлиб, 712 та битирувчилар ушбу корхоналарга ишга қабул қилинди.

### **Бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар.**

Паст кучланишли электр тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш дастури доирасида 2015 йилда вилоятдаги 410 км электр узатиш тармоқлари, 218 дона трансформатор шахобчалари ва 3 та нимстанцияларда мукамал таъмирлаш ва реконструкция ишларини амалга оширилиши режалаштирилган.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида вилоятдаги истеъмолчиларга етказиб берилаётган электр энергиясининг сифат курсаткичлари яхшиланиб, мустахкамлиги ошади ва худуднинг 747 та ижтимоий соҳа объектлари, 4 317 та кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда 168 та маҳала ва қишлоқлардаги 137 мингдан ортиқ аҳоли истеъмолчиларини электр энергияси таъминоти яхшиланади.

Шу билан бирга “ЭнергоНаслЧорва” шўъба корхонаси томонидан жорий йилда 5 тн гўшт, 548 тн сут ва 458 тн сут маҳсулоти, 20 тн пиёз маҳсулотларини етиштириш режалаштирилган.

### **2015-2017 йилларда режалаштирилган ишлар тўғрисида.**

Вилоятда жойлашган электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш мақсадида 2016-2018 йилларда Сирдарё иссиқлик станциясида умумий қуввати 900 МВт бўлган иккита замонавий буғ-газ қурилмаларини қуриш лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Бу ўз ўрнида станцияда йилига қўшимча 7,2 млрд кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятини беради.



Бундан ташқари Фарход ГЭС нинг модернизация қилиш ишлари амалга оширилмоқда ва ГЭСдаги 1 чи ва 2 чи гидроагрегатларни турбина ва генераторлари тулиқ алмаштирилиши ва 3 чи ва 4 чи гидроагрегатларни модернизация ишлари ва электр ускуналарни алмаштириш натижасида станциянинг қуввати 13 МВт га ортади.

Шу билан бирга 2015-2019 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан 621 км электр узатиш тармоқларини қуриш ва 280 та трансформатор шахобчаларини реконструкция қилинади ва натижада вилоятдаги 8,4 минг юридик ва 135,4 минг аҳоли истеъмолчиларининг электр энергияси таъминоти янада мустаҳкамланади.

Республикада электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматик тизимини яратиш лойихаси юзасидан ишлар давом эттирилади. Ушбу тизимни жорий этиш республикамизнинг барча ҳудудларида босқичма- босқич амалга оширилиши белгиланган бўлиб, бу мақсадда Ҳалқаро молия институтларининг кредит маблағларини жалб қилиб, 4 босқичда амалга ошириш бўйича иш олиб борилмоқда.

Иккинчи босқичда Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги 800 мингдан ортиқ истеъмолчиларида ушбу тизим жорий этилади. Лойиҳанинг умумий қиймати 323,7 млн доллар, шундан 180 млн доллари Жаҳон тараққиёти банки кредит маблағини жалб қилиш ҳисобига молиялаштирилади.

Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида электр энергияси истеъмолчиларига замонавий ҳисоблаш асбоблари ўрнатилади, электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва унинг назоратининг автоматик тизими яратилади.

2015-2017 йилларда компания тизимидаги корхоналарда жами 1760 та иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилмоқда.

### **Металлургия саноати бўйича**

Сирдарё туманида “Жиззах” махсус индустриал зонасининг Сирдарё филиали ҳудудида 2013 йилда “Пенг Шенг” ҚК (Ўзбекистон) ҳамда “Венжоу Жиншенг трейд” (Хитой) билан ҳамкорликда қўшма корхона тузилиб, 2014 йилда йилига 1,2 млн. дона халқаро талабларга жавоб бера оладиган санитария-техник буюмларини (сув аралаштиргичлари, беркитиш арматураси) ишлаб чиқаришга мўлжалланган, замонавий технологиялар асосида завод қурилиши якунланди.

Лойиҳа доирасида жами 7,5 млн. долларлик капитал қўйилмалар, шу жумладан 2,5 млн. долларлик ҳорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

Корхона томонидан 2014 йилда жами 6,8 млрд. сўмлик янги турдаги, импорт ўрнини босувчи харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Ушбу завод негизида 225 та янги иш жойлари ташкил этилди, шу жумладан 36 та касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иш билан таъминланди.

**Геология соҳаси бўйича 2010-2014 йилларда амалга оширилган ишлар.**

2010-2014 йилларда Давлат геология кўмитаси томонидан вилоят ҳудудида 2 та янги фойдали қазилма конлари топилди ва уларнинг захиралари тасдиқланди (қум-шағал аралашмаси ва ғишт учун тупроқ).

Вилоят ҳудудидаги конларнинг 4 таси ўзлаштиришга жалб этилди ва тегишли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

**2015-2020 йилларда режалаштирилган ишлар тўғрисида.**

Давлат геология кўмитасининг узоқ муддатли дастурига асосан 2020 йилгача вилоят ҳудудида жами 3 та лойиҳа бўйича геология қидирув ишларини ўтказиш кўзда тутилган.

Бунинг натижасида 1 та ер ости суви конини топиш прогноз қилинмоқда. Бундан ташқари вилоятдаги тадбиркорлар томонидан ўтказилаётган геологик ўрганиш натижасида 2 та янги норуда фойдали қазилма конларини аниқланади.

Давлат балансидаги фойдаланилмаётган 7 та норуда фойдали қазилма конларини ўзлаштиришга жалб этиш масаласи кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, вилоятда 2015-2019 йилларда 563 км ҳаво тармоғи ва 308 дона трансформаторларни реконструкция қилиш, 3454,3 км ҳаво тармоғи ва 839 дона трансформатор пунктларини тўлиқ таъмирлаш, 105,16 км ҳаво тармоғи, 116 дона трансформаторларни, бир дона 35 кВли подстанция ва 33,3 км 110 кВли ҳаво тармоғини янгидан қуриш ишлари белгиланган.

2015 йилда 434,9 км электр узатиш тармоқлари, 158 дона трансформатор пунктлари ва 5 та подстанцияларда мукамал таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Сирдарё иссиқлик электр станциясида 5 ва 6-сонли энергоблокларни такомиллаштириш, қуввати 10 мВт бўлган детандер-генератор агрегатини ўрнатиш, 500 кВ «Сирдарё-Сўғдиёна» электр узатиш линиясини қуриш кўзда тутилган.

Аҳоли - истеъмолчилар ишлатаётган индукцион типдаги ҳисоблагичлар ўрнига 115495 та электрон ҳисоблагич компания ҳисобидан ўрнатилди. Келгусида жами 21946 та замонавий электрон ҳисоблагичларни ўрнатиш ва истеъмолни автоматик равишда назорат қилиш тизими яратилиши кўзда тутилмоқда.

Вилоятда электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматик тизимини яратиш лойиҳаси юзасидан ишлар давом эттирилади.

Бундан кўзланган асосий мақсад электр энергиясидан фойдалинишда, дунёнинг илғор технологияларини жалб қилган ҳолда, жаҳон стандартларига мос келадиган автоматик тизимни яратиш ва истеъмолчиларни сифатли ва узлуксиз электр энергия билан таъминлашга қаратилган.

2015-2019 йилларда вилоятда 77,8 км газ қувурини янгидан қуриш, мавжуд газ қувурларининг 60,7 км реконструкция қилиш ва 54,4 км капитал таъмирлаш,

3 та маиший хизмат объектлари куриш, 5 та техника ва жиҳозлар харид қилиш ва 5000 минг дона газ баллонлари етказиб бериш белгиланган.

***-Аҳоли турмуш даражасини ва сифатини мунтазам ошириш.***

Аҳоли даромадларини, турмуш даражасини ошириш бўйича стратегик режаларни изчил амалга оширилиши натижасида келгуси 5 йилда аҳоли жон бошига даромадлари 87,5 фоизга ошиши кутилмоқда.

Хусусан 2019 йилга бориб оилаларнинг 100 фоизи холодильниклар, турли ошхона электр жиҳозлари, 90 фоизи кир ювиш машиналари, 80 фоиздан ортиғи компьютер, чангютгич, микротўлқинли печларга эга, 85 фоизи эса кондиционерларга эга бўлишади.

Шунингдек, вилоят аҳолисининг янги русумдаги телевизорлар билан таъминланиши 1,9 баробар, енгил автомобиллар билан таъминланиши 2,1 мартага ошиши кутилмоқда.

Аҳолини уй-жой билан таъминлашда жон бошига тўғри келадиган уй-жой майдонини 16 квадрат метрдан 16,3 квадрат метрга оширишга эришилади.

Жорий йилда коллеж битирувчиларига Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган фоизларда 6,5 млрд.сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар ажратилади.

***Маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш Дастури бўйича.***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги “2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 322-сонли қарорига асосан: 4 та Маданият ва истироҳат боғлари фойдаланишга топширилди. Натижада 104 та атракционлар ҳамда кичик ва катта ўйин қурилмалари, 24 та салқин ичимлик ва музқаймоқ шаҳобчалари, 32 та савдо шаҳобчалари, 16 та умумий овқатланиш шаҳобчалари ташкил этилиб, 280 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилишига эришилди. Натижада аҳолининг кенг қатламларини маданий ҳордиқ олиши учун кенг шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги “2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 178-сонли қарорига асосан: 2013-2014 йилларга белгиланган 2 та объектларда таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-Де-Жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги ПҚ-1923-сонли қарори асосан Сирдарё вилоятида 2010-2014 йиллар давомида 42 та спорт иншоотлари куриб фойдаланишга тақдим этилди.

2014 йилда вилоятда жами 2 умутаълим мактаблари учун спорт заллари ва Мирзабод туманида 1 та спорт иншооти янги қурилди. Оқолтин туманида 1 та спорт иншооти реконструкция қилинди.

Ҳозирда, Сирдарё шаҳрида Ўзбекистон спортчиларини 2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паролимпия ўйинларига тайёрлаш Дастури асосида Гулистон олимпия захиралари коллежи ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги “Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 189-сонли қарори асосан ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари 18 ёшгача бўлган болалар ва уларга ҳамроҳлик қилувчи ота-оналар (ёки уларни ўрнини босувчи шахслар)ни ҳамда ҳар йили 2–8 сентябрь кунлари ўтказиладиган “Музейлар ҳафталиги” вақтида аҳолини давлат музейларига бепул киришларини таъминланмоқда.

“Музейлар ойлиги” ҳамда “Музейлар ҳафталиги” тадбирлари мамлакатимиз аҳолиси, айниқса ёшларни музей иши билан яқиндан таништириш, санъат асарларини яратиш жараёнини жонли кузатишини ташкил этиш, халқимиз маданияти ва санъатини кенг тарғиб этиш, шунингдек, ёшларни музейга жалб этишда муҳим аҳамият касб этди, натижада аҳолининг музейларга ташрифи олдинги йилларга нисбатан бир неча баробарга ошди.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш Дастурига асосан жорий йилда вилоятда 4 та маданият ва истироҳат боғларини ташкил қилиш, уларни аттракционлар ва ўйин қурилмалари билан жиҳозлаш белгиланган.

2016-2018 йилларда жами 20 та маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш, жиҳозлаш ва фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Сирдарё вилоятида 2 та музейнинг мукамал ва жорий таъмирлаш, реконструкция қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан вилоят ўлкашунослик музейи учун янги бино қуриш ишлари режалаштирилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 322-сонли қарорига асосан 7 та маданият ва истироҳат боғларини ишга туширилиши белгиланган. Натижада 182 та аттракционлар ҳамда кичик ва катта ўйин қурилмалари, 42 та салқин ичимлик ва музқаймоқ шаҳобчалари, 56 та савдо шаҳобчалари, 28 та умумий овқатланиш шаҳобчалари ташкил этилиб, 500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. Натижада аҳолининг кенг қатламларини маданий ҳордиқ олиши учун кенг шароитлар яратилишига хизмат қилиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги “2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 178-сонли қарорига асосан 30 та маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фойдаланишга топширилиши, кўзи ожизлар кутубхонасининг вилоятда 2 та филиалини ўз биноси билан таъминлаш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, О.Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти мусиқали драма театри биносини капитал таъмирлаш режалаштирилган.